

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

**Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи**

Термиз давлат университети Юридик факультети  
Юриспруденция таълим йўналиши 4-босқич талабаси  
[Nigora.0303@icloud.com](mailto:Nigora.0303@icloud.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг қайта ташкил этилиши, фаолияти, тизими, асосий вазифалари, Департамент ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш, “хуфёна иқтисодиёт” ҳақида батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар:** Бош прокурор, Бош прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, “хуфёна иқтисодиёт”, бюджет, коррупция, терроризм, оммавий қирғин қуроли, манипуляция, ажиотаж, таклиф, тақдимнома, ҳисобот, “обнал фирма”, тергов ва бошқ.

**“Бугунги кундаги энг долзарб масала, бу – яширин иқтисодиёт таҳлиллар хизматлар, курилиш, саноат соҳаларида ўнлаб триллион сўмлик маҳсулот “соя”да қолаётганини кўрсатмоқда. Бу орқали ялпи ички маҳсулотга 135 триллион сўм, бюджетга 30 триллион сўм тушум йўқотилмоқда”.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.М.Мирзиёев

Сўнгги йилларда аҳолининг турмуш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бизнес юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда ва институциявий механизмлари такомиллаштирилмоқда, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маблағларини талон-тороғ қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда, бу эса олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларининг бугунги ривожини ҳамда инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш зарурати иқтисодий жиноятларга қарши курашиш, “хуфёна иқтисодиёт”нинг шаклланиш механизмларини, чет эл валютасининг назоратсиз чиқиш кетиш каналларини ўз вақтида аниқлашнинг шакл ва усулларини тубдан қайта кўриб чиқишни, шунингдек, импортни оптималлаштириш ва миллий товарлар экспортини рағбатлантириш бўйича тизимли ишларни кучайтиришни ҳам талаб этмоқда.

Шу муносабат билан, фаолияти иқтисодиёт ривожини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашишнинг замонавий воқеликка тўлиқ жавоб бермаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вазифалари, функциялари ва ваколатларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

2001 йилда ДСҚ ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган. **5 йил ўтгач** у Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилган. Ўша вақтда, 2006 йилда, унинг тузилмасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилган.

Департамент ЖКнинг [177](#), [179](#), [183-моддалари](#)<sup>1</sup>, [184-моддаси](#) 1 ва 2-қисмлари (божхона қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ жиноятлардан ташқари), [186-моддаси](#) 1-қисми ва [189-192-моддалари](#) бўйича суриштирувни, яқин вақтдан бошлаб эса солиқ ва валюта қонунчилиги бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга ошириб келган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2018-йил 23-майда “**Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида**”<sup>2</sup>ги ПФ-5446-сонли фармонни имзолади.

Қабул қилинган ҳужжат навбатдаги ўзгаришни назарда тутди. Энди бу **Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**.

Унда қуйидагилар ташкил этилди:

- **Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси** - Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Валютага оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бўлими, Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўлими негизида;
- **Ахборот-таҳлил бўлими ва Ташкилий-назорат бўлими** - Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси негизида.

Департамент иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзиде унда жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи функциялари сақлаб қолинди.

Хусусан, Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни **30 иш кунидан кўп бўлмаган** муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли.

Бюджет тизими бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар бўйича олинган хорижий грантлар ва давлат кафолати остида жалб этиладиган хорижий кредитларнинг сарфланишига алоҳида эътибор қаратилади. Тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича бу йўналишда Департамент давлат ташкилотлари ва давлат улушига эга корхоналарни, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ташаббуси билан чиқади.<sup>3</sup>

#### **Белгилаб қўйилишича, Департамент:**

- Бош прокуратура хузурида иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин

<sup>1</sup> [https://nrm.uz/contentf?doc=13443\\_o'zbekiston\\_respublikasining\\_jinoyat\\_kodeksi\\_\(o'zr\\_22\\_09\\_1994\\_y\\_2012-xii-son\\_qonuni\\_bilan\\_tasdiqlangan\)&products=1\\_#c183](https://nrm.uz/contentf?doc=13443_o'zbekiston_respublikasining_jinoyat_kodeksi_(o'zr_22_09_1994_y_2012-xii-son_qonuni_bilan_tasdiqlangan)&products=1_#c183)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5446-сонли фармони. Тошкент ш, 2018-йил 23-май.  
<https://lex.uz/acts/-3743214>

<sup>3</sup> [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/bosh\\_prokuratura\\_huzuridagi\\_departament\\_yana\\_uzgartirildi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/bosh_prokuratura_huzuridagi_departament_yana_uzgartirildi)

куролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни, шунингдек, мазкур жинойтлар содир этилиши оқибатида етказиладиган иқтисодий зарарни қопланишини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган;

- Жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи;
- Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жинойй даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, жумладан халқаро шартномалари бўйича вориси ҳисобланади.

### Шундай тартиб ўрнатиладики, унга кўра 2018-йил 1-июлдан бошлаб:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК импорт шартномаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари лойиҳаларини Марказ томонидан экспертизадан ўтказишда аниқланган шубҳали операциялар тўғрисида Департаментга зарур ахборотни мунтазам равишда такдим этади;

Департамент органлари томонидан ўтказилган тафтишлар ва текширувлар натижалари бўйича аниқланган ҳамда Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармалари даромадига ундирилган давлат органлари ва ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар томонидан амалга оширилган ноқонуний харажатларнинг, талон-торож, растраталар, камомадлар суммасининг **10 фоизи** Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.<sup>4</sup>

#### Департамент тизимига қуйидагилар киради:

- ✓ Департаментнинг марказий аппарати;
- ✓ Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;
- ✓ Департаментнинг туман (шаҳар) бўлимлари.

Департамент куйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчиларга ва Бош прокурорга бўйсунув ва ҳисобдорлик асосида фаолият кўрсатади.

Департамент ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Департаментнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Департаментда шакллантириш ва фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилади.

Департамент юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

#### Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- 1.** Бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш, давлат органлари ва ташкилотларда дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг асоссиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўриш;

<sup>4</sup> <https://kun.uz/75222494>

2. Ёқилғи-энергетика комплексида, ижтимоий, банк-молия, солиқ, транспорт ва қурилиш соҳаларида иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
3. Давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валютаси маблағларини ғайриҳуқуқий равишда чиқиб кетиши, олиб кириш ва олиб чиқиш, уларнинг ноқонуний муомаласи, “хуфёна иқтисодиёт” шаклланишининг турли схемалари ва каналларини аниқлаш;
4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини самарали ижро этилишини таъминлаш;
5. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция<sup>5</sup> қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талаб<sup>6</sup>ни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаллага чиқарилиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларга қарши курашиш;
6. Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича чет давлатларининг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш;
7. Иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;
8. Иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш.

#### **Департамент ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш**

Департамент ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга.

Департамент ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек, жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган Департамент ходимининг жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситалар қўллаш билан боғлиқ тезкор тадбирларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва Департамент

<sup>5</sup> **Манипуляция** – бу ўз манфаати йўлида бошқалардан фойдаланиш, уларни бошқариш орқали уларга таъсир кўрсатиш.

<sup>6</sup> **Ажиотаж талаб** – бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсирида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб.



ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда Департамент ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек, имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса **йигирма тўрт соат** ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган ва махсус воситалар қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида Департамент ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида Департамент ходими тегишли прокурорга дарҳол хабар беради.

Департамент ходимининг жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, Департамент ходими жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар Департамент ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги ёки махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, Департамент ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

#### **Департамент фаолиятини ташкил этиш**

Департаментга Бош прокурор тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

#### **Департамент бошлиғи:**

Департамент бошлиғининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан тайинланадиган **уч нафар ўринбосарга**, шу жумладан **бир нафар биринчи ўринбосарга** эга; мавқеи, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатилиши бўйича Бош прокурор ўринбосарига тенглаштирилган; ўз фаолиятида Бош прокурорга бўйсунди ва ҳисобот беради.

#### **Юклатилган вазифаларни бажариш учун Департамент бошлиғи:**

- а) Департамент фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;
- б) Департамент ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- в) Департаментнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлим бошлиқлари ҳисоботларини эшитади;
- г) Бош прокурорга қуйидагиларни киритади (тақдим этади):

Департамент ваколатларига оид масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа **ҳужжатлар лойиҳалари**;

Департамент, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида **таклифлар**;

Департамент ходимларига даражали унвонларни бериш ҳақида **тақдимномалар**;

Департамент ходимларини рағбатлантириш, давлат мукофотларига тақдим этиш ҳақида **таклифлар**;

Департамент фаолияти тўғрисида **ҳисобот**;

д) Департамент ва унинг худудий бўлимлари штат жадвалини, Департаментнинг марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

э) ўз ваколатлари доирасида Департаментнинг фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид, ижроси барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;

ж) ажратилган маблағлар доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришларни тўлаш тартиби ва шартларни белгилайди;

з) Департаментга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

и) Департамент кучларини ва маблағларини самарали тақсимлашни ташкил қилади, шу жумладан айрим вазифаларни бажарувчи ходимларни Департаментга юклатилган бошқа ишларга жалб қилади;

к) Департамент фаолиятига оид масалалар юзасидан тезкор йиғилишлар ўтказди;

л) чет эл давлатлари ваколатли органлари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар ва бошқа шартномалар тузади;

м) қонун ҳужжатлари мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИГА ТЕРГОВ ЮРИТИШ ВАКОЛАТИ БЕРИЛАДИ**

Яширин иқтисодиёт билан курашишни яхшилаш учун Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти чуқур таҳлил, тезкор-қидирув, тафтиш ва ўзи тергов қиладиган идорага айлантирилади.

Масалан, **қурилиш корхоналарининг 41 фоизи ҳисоботида фақат 1 нафар ишчисини кўрсатган**. Ваҳоланки, бу корхоналар ўтган йилни ўзида 4 триллион сўмлик қурилиш ишларини бажарган. Ёки камида 25 гектардан ери бор **5 мингта мева-сабзавотчилик фермер хўжалигида 1 тадан расмий ишчи рўйхатдан ўтган**.

**“Бир нарсани аниқ тушуниш зарур. Яширин иқтисодиёт, авваламбор, тўғри ишлаётган тадбиркорлар фаолиятига катта тўсиқ бўлаяпти. Бугунги кунда интизомли тадбиркорлар „қани адолатли рақобат“ деган ҳақли эътирозларини кўп-кўп айтаяпти”, — деди давлат раҳбари.**

Ҳозирда яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та орган тарқоқ ҳолда шуғулланмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган яхлит иш тизими йўқ.

Шунинг учун яширин иқтисодиёт билан курашиш янги поғонага олиб чиқилади.

Шу мақсадда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти кучайтирилади.

Шу пайтгача Департаментнинг тергов юритиш ваколати бўлмагани ва қонунларда жуда кўп ҳуқуқий коллизиялар мавжудлиги сабабли самарали ишлай олмади.

Мисол учун, ҳозирги кунда **“обнал фирма”**га нисбатан жиноят иши кўзғатиш **олти ойгача** вақт олади. Бу даврда кўштирноқ ичидаги уддабуронлар барча ноқонуний ишларини яқунлашга улгуради.

Шуларни ҳисобга олиб, Департамент чуқур таҳлил, тезкор-қидирув, тафтиш ва ўзи тергов қиладиган идорага айланади. Унинг раҳбари бир вақтнинг ўзида бош прокурор ўринбосари бўлади.

Департаментга энг замонавий ахборот тизимлари, махсус воситалар олиб берилади, иқтисодий соҳалар ва чет тилларини мукамал биладиган, фидойи ва ватанпарвар мутахассислар танлаб олинади.

Департамент ҳузурида Илмий-таҳлилий ва ўқув маркази очилади. Марказ яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, илғор хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқади, тизим ходимларини иқтисодий жиноятларни аниқлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича ўқитади.

Шу билан бирга, Бош прокуратурада ҳам яширин иқтисодиёт бўйича алоҳида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинади.

Департамент 5 та муҳим йўналиш: қурилиш, фармацевтика, алкоголь ва тамаки, ноқонуний импорт, нақдлаштириш ва капитални ноқонуний четга олиб чиқиш борасида кескин ўзгариш қилиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.<sup>7</sup>

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. [https://nrm.uz/contentf?doc=13443\\_o'zbekiston\\_respublikasining\\_jinoyat\\_kodeksi\\_\(o'zr\\_22\\_09\\_19\\_94\\_y\\_2012-xii-son\\_qonuni\\_bilan\\_tasdiqlangan\)&products=1\\_#c183](https://nrm.uz/contentf?doc=13443_o'zbekiston_respublikasining_jinoyat_kodeksi_(o'zr_22_09_19_94_y_2012-xii-son_qonuni_bilan_tasdiqlangan)&products=1_#c183);
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли фармони. Тошкент ш, 2018-йил 23-май.  
<https://lex.uz/acts/-3743214>;
3. [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/bosh\\_prokuratura\\_huzuridagi\\_department\\_yana\\_uz\\_gartirildi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/bosh_prokuratura_huzuridagi_department_yana_uz_gartirildi);
4. <https://kun.uz/75222494>;
5. <https://www.gazeta.uz/oz/2024/01/16/department/> .

<sup>7</sup> <https://www.gazeta.uz/oz/2024/01/16/department/>